



PROBLEMS OF PUBLIC HEALTH AND MEDICAL SERVICES IN THE JIZZAKH REGION DURING THE SOVIET PERIOD (1917-1980)

Shakhnoza Asatullayevna Abdurakhimova

Doctor of Philosophy in Historical Sciences, PhD

Associate Professor at Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khorezmi

shahnozaabdurahimova373@gmail.com

Tashkent, Uzbekiston

ABOUT ARTICLE

Key words: Healthcare, infectious diseases, Jizzakh county, medicine, hospitals, maternity hospital, military infirmary.

Received: 25.12.25

Accepted: 26.12.25

Published: 27.12.25

Abstract: This article examines the issues of medical care of the Jizakh oasis in the Soviet period, in particular: medical services provided to the population, diseases that arose in the oasis, measures to eliminate them, existing problems, the creation of a health care system, the construction and maintenance of hospitals, and the provision of doctors to the country.

ШЎРОЛАР ДАВРИДА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА ТИББИЙ ХИЗМАТ МУАММОЛАРИ (1917-1980 ЙИЛЛАР)

Шахноза Асатуллаевна Абдурахимова

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги

Тошкент ахборот технологиялари

университети доценти, т.ф.ф.д, PhD

shahnozaabdurahimova373@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Соғлиқни сақлаш, юкумли касалликлар, Жиззах уезди, шўролар, тиббиёт, шифохона, туғруқхона, ҳарбий лазарет.

Аннотация: Ушбу мақолада шўролар даврида Жиззах воҳасининг тиббий хизмат масалалари, хусусан: аҳолига кўрсатилган тиббий хизматлар, воҳада юзага келган касалликлар, уларни бартараф этиш чора тадбирлари, мавжуд муаммолар, соғлиқни сақлаш тизимининг йўлга қўйилиши, шўролар томонидан тиббий сиёсатнинг юритилиши, шифохоналарнинг қурилиши ва таъминоти, ўлканинг шифокорлар билан

ПРОБЛЕМЫ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ И МЕДИЦИНСКОЙ СЛУЖБЫ В ДЖИЗАКСКОМ РЕГИОНЕ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД (1917-1980 ЙИЛЛАР)

Шахноза Асатуллаевна Абдурахимова

Доктор философии по историческим наукам, PhD

доцент Ташкентского университета

информационных технологий имени Мухаммада аль-Хорезми

shahnozaabdurahimova373@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Здравоохранение, инфекционные заболевания, Джизакский уезд, медицина, больницы, родильный дом, военный лазарет.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы медицинского обслуживания оазиса Джизах в советском периоде, в частности: медицинские услуги, предоставляемые населению, заболевания, возникшие в оазисе, меры по их устранению, существующие проблемы, создание системы здравоохранения, строительство и содержание больниц, обеспечение страны врачами.

Кириш. 1917 йилга келиб Жиззахда шўролар ҳукумати қолган бошқа ҳудудлар каби мажбуран ўрнатилгандан сўнг, барча тизимлар, хусусан, тиббиёт ҳам янги бошқарув асосида йўлга қўйила бошлади. Хусусан, 1918 йилдан Туркистон Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлиги ва ўз ўрнида жойларда ҳам соғлиқни сақлаш бўлимлари ташкил этилиб, улар марказий ва маҳаллий органларга бириктирилган эди.

Мавзуга диор адабиётлар таҳлили. Ушбу мавзуга доир жуда кўплаб бир қанча илмий ишлар, тадқиқотлар олиб борилиб, кўплаб илмий мақолалар, диссертациялар ҳамда монографиялар архив ҳужжатлари, илмий адабиётлар ва даврий матбуот материалларидан фойдаланилган ҳолда чоп этилган.

Тадқиқот методологияси. Мавзуни тадқиқ этишда архив фондлари ҳужжатлари, илмий адабиётлар ва даврий нашр материаллари билан қиёсий таҳлил қилиниб, тарихий-қиёсий усулдан фойдаланилди. Шунингдек, манбалар ва олинган маълумотлар аналитик усули орқали изоҳланиб, ёритилди.

Таҳлил ва натижалар. Жойларда вилоят ва шаҳар кенгашлари қошида соғлиқни сақлаш секциялари ташкил этилди. Кейинчалик улар маҳаллий кенгашларнинг соғлиқни сақлаш бўлимига айлантирилди. Масалан, Жиззах уездида бу даврда 35 ўринли 3 та кичик касалхона, амбулатория ташкил этилиб, унда жами 3 нафар шифокор, 9 нафар ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатди. Жиззахда И.Н.Самецкий, Н.В.

Самойлов каби тажрибали шифокорлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатди. И.Н.Самецкий Жиззахда юқумли касалликларга қарши кураш бўйича жонбозлик кўрсатди.

Аҳоли орасида юқумли касалликлар тарқалишини бартараф этиш ҳамда уларни керакли дори воситалари билан таъминлаш мақсадида, дорихоналар фаолиятига алоҳида эътибор қаратила бошлади.

Шу муносабат билан, 1919 йил 28 февралдаги дорихона муассасаларини давлат ихтиёрига ўтказиш ҳақидаги декретда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ҳам тадбирлар олиб борилди. Хусусий дорихоналар национализация қилиниб, улар “Шаҳар халқ дорихонаси” деб номланди. Самарқанд шаҳри, Каттакўрғон ва Жиззах шаҳарларида жойлашган хусусий дорихоналар давлат ихтиёрига ўтказилиб 1921 йили Жиззахда давлат дорихонаси ўз фаолиятини бошлади.

1920 йилга келиб Жиззах шифохонасида даволаш ўринлари 50 тага кўпайтирилди. Ўлкада оғир ижтимоий ҳолат ва моддий муаммолар, очарчиликнинг асорати туфайли турли юқумли касалликлар сони ортиб борганлиги натижасида Жиззахда 20 ўринли махсус юқумли касалликлар шифохонаси ҳам очилди [1].

1921 йилга келиб ҳудудда қорин тифи, ич буруғ, терлама ва чечак каби юқумли касалликлар, ўлимлар сони камайганга қарамасдан, аҳоли орасида вабо касаллиги кенг тарқала бошлаган [2].

Шунингдек, ушбу йилда 4 та фельдшерлик пункти, 1 та туғруқхона ва уларнинг қошида 50 та ўринли 1 та гўдаклар уйи ҳам ўз фаолиятини бошлади. Шаҳарда доялардан иборат тез ёрдам ҳам ташкил этилди. Демак, соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан туғруқхоналар тармоғини кенгайтириш тадбирлари давом эттирилиб, кичик шаҳар ва туманларда ҳам туғруқ ўринлари очилди.

Қишлоқларда ҳам тиббий пунктлар кўплаб ташкил этила бошлаган. Масалан, Янгиқўрғон, Бахмал, Зомин ва Фориш туманлари қишлоқларида тиббий пунктлар очилди.

1921 йил декабрда Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бўлимларининг курултойида курорт ва санатория-даволаш ишларини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинган. Унга кўра, Жиззах уезди Тузкон кўли бўйида дам олиш уйи, Самарқанд уезди Ургут қишлоғида сил касаллиги ва қуёш санаторийси очилиши режалаштирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг йўлга қўйилиши, шифохоналар қурилиши.

1922 йили Жиззах уездида Н.В.Самойлов раҳбарлигида соғлиқни сақлаш бўлими ташкил этилди. Уезд фармацевтика бўлимини доришунос В.Денисов бошқариб, ҳудудда

аҳолини дори- дармонлар билан таъминлаш ишини бир қадар яхшилаш учун ҳаракат қилди.

Кейинчалик Туркистон шаҳарларидаги ҳарбий лазаретлар шаҳар касалхоналари билан бирлаштириб юборилди. Масалан, 1924 йили Жиззах шаҳар касалхонаси ва ҳарбий лазарет бирлаштирилиб, ягона шаҳар шифохонаси ташкил этилди. Жиззахнинг эски шаҳар қисмида эса тиббиёт пункти фаолият юрита бошлади.

1930 йилга келиб ҳозирги Жиззах вилояти ҳудудида жами 120 ўринли 6 та шифохона, битта поликлиника, 4 та врачлик, 11 та фельдшерлик амбулатория, 4 та дорихона фаолият кўрсатди [3].

Жиззахда ришта касаллиги кенг тарқалган эди. Риштани даволашда профессор Л.М. Исаев томонидан ишлаб чиқилган усул кенг қўлланилди. Жиззахда ришта касалига чалинган кишилар ҳисобга олиниб, уларни даволаш юзасидан катта тадбирлар белгиланди. Ришта личинкалари мавжуд бўлган ҳовузлар суви қуритилиб тозаланди, дезинфекция қилинди. Оилаларда сув сақланадиган хум ва кузаларни қайноқ сувда чайиб туриш юзасидан тавсиялар бериб берилган.

1935 йилга келиб шаҳар касалхонаси янги бинога кўчиши муносабати билан жаррохлик бўлими кенгайтирилиб, зарур асбоб ускуналар билан жиҳозланди. Аммо миллий вакиллардан биронта ҳам шифокор жаррохлик фаолиятини олиб бормади. Касалхонада жаррохлик ишлари В. Эйсян ва А. Степашколар томонидан амалга оширилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Жиззах вилояти тиббиётида туб ўзгаришлар кузатилмади. Ўзбекистон ССРнинг бошқа ҳудудлари каби бу ерда ҳам ҳарбий госпиталлар ташкил этилиб, ярадор аскарларга хизмат кўрсата бошлади. Шунингдек, кўчириб келтирилган аҳоли ҳам бундан мустасно эмас эди. Тиббиёт эса бутунлай фронт эҳтиёжи учун йўналтирилган эди.

1970 йили Жиззах шаҳрида ихтисослаштирилган шифохона комплекси қурилиб ишга тушди. Вилоятда ушбу йилларда аҳолига 90 га яқин дорихона хизмат кўрсатди. Шунингдек, 120 ўринли замонавий типдаги 3 цаватли марказий туман касалхонаси қурилиб ишга туширилди. Амбулатория, «Тез ёрдам» бўлими, дорихона ва бошқа тиббиёт муассасалари юзага келди.

Жиззах чўлини ўзлаштирилиши муносабати билан Мирзачул, Пахтакор, Дустлик, Зарбдор ва Арнасой сингари замонавий туман марказлари юзага келди. 1967 йили Пахтакор тумани ташкил этилиши муносабати билан 75 ўринли касалхона ташкил топди. 1995 йилга келиб ушбу туман бўйича 485 ўринли 3 та касалхона, 12 та амбулатория, 4 та

тиббиёт пунктида 111 нафар шифокор, 382 нафар ҳамшира аҳолига хизмат кўрсатиб келган.

1967 йили кўриқ Мирзачул тумани ташкил топди. Туман маркази Ержар посёлкасида биринчи йили 25 ўринли, сўнгра 60 ўринли касалхона, «Тез ёрдам» бўлими, дорихона ишга туширилди. 1967 йили 3 қаватли марказий туман касалхонаси ва амбулатория курилди.

1970 йили Дўстлик тумани ташкил топгач, бу ерда ҳам тез орада тиббиёт пункти ташкил топди. 1980 йили 240 ўринли тўрт қаватли янги касалхона фойдаланишга топширилди. 1992 йилга келиб Дўстлик туманида 520 ўринли 3 та касалхона 17 амбулатория, 2 та фельдшерлик пункти, дорихона фаолият юритган.

1973 йили Зафаробод тумани ташкил топиб, биринчи шифохона Тимирязев посёлкасида курилди. Бироз вақт ўтгач, Охунбобоев номи посёлкада туман касалхонаси ва қатнаб даволанадиган амбулатория ва дорихона ташкил қилинди. 1982 йили «Уч қахрамон» посёлкасида уч қаватли бинода 150 ўринли касалхона ташкил қилинди.

1977 йили вилоятда Арнасой тумани ташкил топди. Туманнинг Ю. Фучик давлат хўжалигида тиббиёт пункти, сўнгра амбулатория ташкил этилди. 1990 йили туман марказида шифохона комплекси ишга туширилди. Касалхона замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Сўнгра яна 205 ўринли 2 та касалхона, 10 та амбулатория 6 та фельдшерлик нуқтаси, «Тез ёрдам» бўлими ишга туширилди [4].

1979 йили Зарбдор тумани ташкил топгач, бу ердаги касалхона туман марказий касалхонасига айлантирилиб, ўринлар сони 180 тага кепгайтирилди. 1990 йили янги поликлиника биноси курилди. 1995 йилга келиб 415 ўринли 3 та касалхона амбулаторияси ва тиббиёт пунктларида 114 нафар шифокор, 383 нафар ҳамшира аҳолига тиббий хизмат кўрсатган.

1980 йилларда Жиззах шаҳрида 5660 жойга эга 61 та шифохона, 300 та амбулатория-поликлиника, 220 та фельдшер-акушерлик нуқталар фаолият юритиб, 10 минг аҳолига 114.8 та жой тўғри келган. Пахтакор, Мирзачўл, Зомин ва Дўстлик туманларида марказий шифохоналар куриб битказилган, Ғаллаорол, Октябрь ва Фориш туманларида кўптармоқли туман шифохоналари куриб, фойдаланиш учун топширилган. Шифокорлар билан таъминланиш ҳолати 1974 йилда 10 минг аҳолига 16.4 нафарни ташкил этган бўлса, 1980 йилга келиб 22,6 нафарни ташкил этган [5].

Вилоятнинг қишлоқ аҳолиси учун вилоят шифохонаси, 10 та марказий туман шифохоналари, 27 та қишлоқ участка шифохоналари, 29 та қишлоқ шифокорлик амбулаториялари ва 220 та фельдшер-акушерлик нуқталар хизмат кўрсатган. Қишлоқ

аҳолиси учун умумий даволаш ўринлари-3485 та жойни ташкил этган бўлиб, 10 минг аҳолига 92,3 жой тўғри келган [6]. Кичик ёшли болаларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаганлиги боис, уларнинг аксарияти уйларида nobуд бўлган. Аммо, ушбу нохуш ҳолатлар даволаш муассасасининг айби сифатида қайд қилинмаган.

Жумладан, травматолог профессор О.Ш. Шокиров ўша даврдаги вазиятни шундай эслайди: “Мен Самарқанд вилояти Пахтакор (ҳозирги Жиззах вилоятидаги) тумани чегарасини айланиб юриб, Райимқул қишлоғига бордим. Тасодифан бир ҳовлидан йиғи товуши эшитилди. Хонадонга кирсам, уй эгасининг 3 ёшлар чамасидаги қизчаси қизамиқдан ўлган экан. Шунда аёллардан бири қишлоқдаги барча хонадонларда чақалоқлар ва кичик ёшли болалар ушбу касалликдан қирилиб кетаётганлигини айтди. Аҳоли қизамиққа чалинган болаларни қоронғи уйда сақлар, деразага матолардан парда тутиб, хонага офтоб тушишини тўсар, ҳеч кимга мурожаат қилмасдан, ўз удумлари бўйича болага ёрдам кўрсатган. Табиийки, болалар қизамиқнинг оғир зотилжам асоратидан nobуд бўлган. Ўлган болаларни хонадон эгалари дафн қилиб юборганликларини ҳам қўни-қўшнилардан бошқа ҳеч ким билмас эди” [7].

1982–1985 йилларда болалар ўлимининг юқори кўрсаткичлари Андижон, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида кўп кузатилган. Ушбу йилларда Ўзбекистон ССРда болалар ўлими 46,2 нафарни ташкил этган.

Хулоса ва таклифлар. Умуман олганда, шўролар даврида бутун Ўзбекистон ССР тиббиётининг ютуқлари билан бир қаторда муаммолари ҳам талайгина бўлганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Албатта, бундай ҳолатлар советлар даврида очикдан очик баён этилмаган, эълон қилинмаган аксинча кўрсаткичлар доимо ижобий ҳолатни намоён этиб келган. Натижада, бир неча йиллар давомида йиғилган муаммолар юзага келиб, тиббиёт тизимининг оқсашига, энг ёмони аҳолига тиббий хизмат кўрсатилишининг ёмонлашуви оқибатида юртимизда турли касалликларнинг кўпайиши, аҳоли орасида ўлим кўрсаткичларининг ўсиб боришига олиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 333-йиғмажилд, 5-10-варақлар.
2. ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 333-йиғмажилд, 13-14-варақлар
3. ЎзМА, Р-13-фонд, 1-рўйхат, 24-йиғмажилд, 13-19-варақлар.
4. Ҳ.Ҳайдаров. Жиззах вилояти тарихи. Тошкент. 1996. 226-228 б.
5. ЎзМА, Р- 2582-фонд, 6-рўйхат, 4551-йиғмажилд, 86-варақ.
6. ЎзМА, Р- 2582-фонд, 1-рўйхат, 4548- йиғмажилд, 193-варақ.
7. ЎзМА, Р- 2582-фонд, 1-рўйхат, 4551-йиғмажилд, 176-варақ.